«Машраб»нинг бу сонидаги икки кўруниш, бизнинг назари диккатимизни ўзига худди кахрабодек тортиб кўйди. Унинг бири - танкид оламида янги «усул», иккинчиси -Зарафшон дарёсининт бу кунги ажойиб ва гаройиб холи. Шунинг учун бу тўгрида бир-икки огиз чак-чак килмасдан ўта олмадик.

Бировнинг шеъри ёки меъри танкид килинар экан, унинг галвир-шалвирини бошлаб тахлил галбиридан ўтказиб, сўнгра ул хакда бир хукм чикариш ота-бобомиздан колган яхши бир одат эди. Якинда «А. Саъдий» деган бир ўрток хам шу усулга амал килиб бир муддат сўкиш «офариннома»си олгон эди.

Лекин нима учундир сўнг чокларда янги бир танкидчи майдонга отилиб, ўз аклича одам боласи кўрмаган ва эшитмаган шги бир «усул» чикарди. Бунинг усулига караганда, тахлил-махлил деган бош огриклар хожат бўлмай, ёлгиз шоирларни сабзи-шолгом каторида копга солиб, Оврупонинг тошбака тарозуси билан ўлчаш кифоя этар эмиш...

Мана, биз ўзимизнинг ёш шоирларимизга бу янги «усул»ни тортик этамиз. Токи булар бундан кейин Оврупо шоирларидек шеър айтсунлар. Бу ишнинг уддасидан чикмагонлари такдирда жимгина юрсинлар ва «тавсиъи маълумот» этсунлар...

Яша танкидчи!.. Шу усулга хам салламно!..

Энди келайлик Зарафшон дарёсининг бу кунги кўрунишига:

Самарканднинг бу кунги Зарафшон манзарасини кўрган киши хайрон бўлиб, «ё бу ернинг халки девона бўлгон, ёки бу шахар - халхала шахри экан» деб ўйласа ажаб эмас. Чунки бечора дехконлар, канча мехнат килиб, солик тўлаб бир коп галлани ёки 20-30 ковунни бозорда сотаман деб Зарафшон киргогига келадилар. Бундаги каровуллар кўпрукдан мандатсиз ўтказмаганлари учун у бечоралар хам такдирга тан бериб дарёдан ўтишга мажбур бўладилар.

Натижада, бир мунчалари дарёдан зўрга ўтиб, бошкалари тўп-тўгри Бухородан чикадирлар ёки иккинчи дунёдан... Буларнинг уйдаги бола-чакалари «отамиз гўшт-ёг келтирадир» деб козонни кизитиб турадир. Лекин гўшт-ёг нари турсин, оталаридан дарак хам бўлмас. Бунда козон кизиб ёрилур. Бола-чакалари хам сабил колур...

Шахримизда ишчи-дехконлар фойдасига ишлайдургонларнинг бу фожеаларни кўрарлик кўзлари, эшитарлик кулоклари йўк.

Чунки....

Ботурбек

«Машраб», 1924 йил, 6-сон